

Машҳур актёр фильмларда мусулмонларнинг салбий талқиндаги қиёфасига қарши курашиш учун фонд яратди



15:00 / 19.06.2021 2110

Изланишлар шуни кўрсатдики, мусулмон қаҳрамонлари камдан-кам ҳолларда экранларда пайдо бўлади. Агар пайдо бўлса ҳам салбий кўринишда кўрсатилади. «Фильмларда мусулмонлар ҳолатининг нотўғри тасвири муаммоси энди эътиборсиз қолдириб бўлмайдиган вазиятдир», дейди актёр Риз Ахмад.

— Агар экранларда мусулмонларнинг кўринишлари ҳали мавжуд бўлмаса ёки ушбу ҳолат нотўғри талқиндаги тасвирларга сингиб кетган бўлса, баъзиларимиз эришаётган ютуқлар тўлиқ эмаслигидан далолатдир. Унинг сўзларига кўра, фонднинг вазифаларидан бири бу иштиёқли мусулмон

актёрларини маблағ билан таъминлаш ва уларга устозлик қилишдир.

Annenberg Inclusion Initiative томонидан ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 2017 йилдан 2019 йилгача Буюк Британия, АҚШ ва Австралияда энг кўп даромад келтирган фильмларнинг 10 фоиздан камроғи мусулмонларни салбий томондан акс эттирилганидир. Уларнинг қарийб учдан бир қисми салбий образ тарзида ва ярмидан кўпи зўравонлик нишонлари бўлган. Аҳмаднинг айтишича, аксарият тасвирлар бутунлай ирқчиликка асосланган.

Асли покистонлик бўлган Риз Аҳмад 1982 йилда Лондонда британ оиласида туғилган. У биринчи фильмни 2006 йилда дебют қилди. «Гуантанамо сари йўл», «Изгой-один ёҳуд Юлдузли урушлар» каби фильмларда ижро этган роллари орқали танилган.

Таржимон: Мунира Баҳодиржон қизи